

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди, олий нишон - «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

**Зиятов Парда**

- Жиззах тумани, Хамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Жиззах вилояти

**Обидов Қобилжон Гофурович**

- Андижон вилояти ҳокими

**Орипов Абдулла**

- Ўзбекистон халқ шоири, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Турдиев Жонсаид**

- Олмалик кон-металлургия комбинати «Қолмақир» қони Тошкент вилояти


**Курбонов Анвар Сарманович**

- «Сирдарёжамқурилиш»га қарашли 49-кўча механизацияланган колоннанинг бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 26 август



Қўшрабат туман Зармитон олтин қазиб олиш қони аҳли мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қаршилашмоқда.  
Суратда: (чапдан ўнга) илғор қончилар Урол Курбонов, Саидахмад Алиқуловлар.  
Нурмаат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Истиқлол мушоираси

## ШАРАФ

Неча даврон бўлган эрса бир тирик жонлик - шараф,  
Ўзбегимга етди ҳақдан боши осмонлик - шараф.

Бу ҳаёт бир сазй учун қилгай умрларни бадал,  
Мен учун шундай Ватан хуснига ҳайронлик - шараф.

Шу Ватан фарзандиман, жоним тикилган у учун,  
Гарчи бу янглиғ фидолик ўта бир ёнлиғ шараф.

Халқимиз ёлғиз кўёшга асли миллатдош учун  
Шу кўёш тафтида бу сийнамга бир ёнлиғ шараф.

Не азаллар қонидин этган табаррукликини кашф  
Тупроғиндан бир чечак ҳаддича тугёнлик - шараф.

Бу ҳаётда учрағай ғоятда сирли тақсимот,  
Кимга теккай бир умрлик, кимга бир онлик шараф.

Камтарин ўзбеклигим қадрни баланд унвон азал,  
Шаънига шамшир мисоли орли посбонлик шараф.

Бу фанода менга Субҳонлик шараф эрди нечоғ,  
Сенга, олқишли Ватан, ҳур Ўзбекистонлик - шараф!

Жонибек СУБҲОН

Изҳори дил

# ОРЗУЛАРИМИЗ ХОМЖАЁЛ ЭМАС

1. Истиқлол Сизнинг тақдирингизда.
2. Мустақилликнинг еттинчи йили қандай ўзгаришларни ҳис этаяпсиз? Кўраяпсиз?
3. Мустақил она юртнинг эртанги кунини қандай тасаввур этасиз?

Лазиз ҚАЮМОВ,  
филология фанлари доктори, профессор.

1. Тарих ҳақиқати ҳамisha таққосда билинади. Мустақилликнинг қадрини ўтмишда жабр торган авлод яхши билади. Фузулий айтганидек: «Анингким хусни тавсифин сахар бедор уландан сур». Яъни, гулнинг нақадар гузал ва ёқимли эканини то сахаргача унинг очилганини соғиниб нола қилиб чиққан бўлбундан сўра.

Халқимиз оракиби кутган мана шундай замон - истиқлол лаззатидан жумлаи мумин қатори камини ҳам баҳраманд эканлигидан бахтиёрман. Айниқса, истиқлол даврида Ўзбекистонимизнинг бугунги мустақил, доно тараққий ёлу ва ҳикматларга чумилган бой тарихининг жаҳон миқёсида тан олинаётганлиги меннинг миллий ифтихоримни эркалайди. Қўлимдан келганча бу саволи ишга ҳисса қўиш учун илмий ишлар қилмоқдам. Туркияда нашр этиладиган турк дунёси адабиётининг ўттиз томлик кутубхонасида узбек адабиёти назариясига оид бир қанча мақолалар ёздим, таҳрир ҳайратининг азбоси сифатида унинг тақлиий ишларида иштироким бор.

Маълумки, мен ҳамза-шуносман. Кўп афсуски, бугун ҳамза ҳақидаги тасаввуримиз ҳаёт ҳақиқатига мос равишда янги-лангани йўқ. Олти ойдан кейин ҳамза таваллудига 110 йил тўлади. ҳамза ижодида истиқлол ғоялари, хусусан 1914-

фикрий чекланишига барҳам берди, том маънода барча соҳа кишилари учун озодлик бағишлади. Энди ҳар кимнинг таланти, билими, ҳаракатига боғлиқ. ҳамма қатори шу муҳитдан баҳраманд олим сифатида «Яшасин Мустақиллик, ҳур замон!» - дейман.

2. Тарих асрлар билан ўлчанади. Кўна тарих фонда етти йил бир лаҳзадек гап. Аммо истиқлол даврининг ҳар бир лаҳзаю дақиқаси асрлардек мазмунли.

Бизнинг истиқлол жаҳоннинг жуда кўп жойларида тубдан ўзгаришлар содир бўлаётган даврда бўлиб олди. Воқеалар маркази собиқ совет иттифоқига тўғри келди. Агар бугунги кунни тарихий ҳақиқат билан қиёс қилсак, жаҳон Ўзбекистоннинг ўз тараққий ёлуни жиддий ўрганиб, донолигини тан олмоқда.

Менимча, Президентимиз Исрол Каримовнинг ақли, билими ва тажрибаси туфайли республикамиз маҳаллий имконият ва ўзига хосликка асосланган иллана-излана тўғри тараққий ёлуни топди. Бу йил халқимиз ҳаётини энгиллаштирди. Халқ сароқат билан жавоб бериб, дилдаги раҳматини сайловларда изҳор қилди. ҳамма соҳада фақат ўзгаришларгина эмас, ислохотлар майдонга келди. Кимки, жаҳон миқёсида фикр юратолса, рақобатдор бўлса, унга янги ўфқлар очилди. Кимки калтафаҳм, билими юзаки бўлса, оёқда туролмай йиқилди. Бу хил ўзгаришлар фақат иқтисод соҳасида содир бўлгани йўқ. Ташқи, миллий, ички, маданий, ҳарбий ва бошқа сибасатларнинг ҳаммалари жаҳон андозаларига тенглашибгина қолмай, аини вақтда том маънода миллийлиги сақлаб қолинди. Мана шундай бош соҳаларнинг йўналишига тасануо деган ҳолда мен шу етти йил давомида халқимиз

қонли урушлардан узок, тинч яшаётгани учун Президентимизга қуллук қиламан.

Диний эътиқодни қоралаш - шўролар сиёсатининг энг катта ғоявий хатолиғидир. Диний эътиқоднинг шарофати билан бу хатоларнинг тузатишларини халқимиз чин қалбидан қуватлади. Аммо иймон эътиқоднинг шакллари қўлини, диний фалсафада ҳам турли қарама-қарши нуктаи назарлар борлиғига етарли эътибор қилмадик шекилли, соф, нуруний мусулмонлик билан бирга ваҳодийликнинг ғайри мантиқий қўйқими ҳам қўшилиб қолган экан-ки, кейин уни тўзалаб ташлашга тўғри келди. Демак, диний фанимиз (теология) ҳам замонавий ва миллий бўлиши керакка ўхшайди.

3. Асрий орзумиз - Мустақиллик асримизнинг охириги ун йиллиғида бизга насиб этди. Бу йилларда янги аср ўзбеки шақланмоқда. Менинг хаёлимда бугунги етти ёшлиқлар XXI аср Ўзбекистонининг қаҳрамонлари, олимлари, санъаткорлари, раҳбарлари. Бинобарин, уларнинг ҳамиртурушини нимадан қиламиз - бу катта авлод тарбиячиларининг жумбоғи.

Мен бутун фаолиятим Тошкент Давлат Университетида муаллимлик қилиб келмоқдам. 45 йиллик меҳнат фаолиятим самараси - шогирдларимнинг олд қатори бугун меҳнат фақатдорлари, раҳбарлари. Баъзан кўринганда «Берган таълимнингиз учун раҳмат!» деб қўйишади. Менга ҳам улар худди ўз фарзандларимдек қадрдон.

Неваримни дуо қилганимда Гафур Ғуломнинг мисралари тилимга келади.

Ҳамид, сөн айтгандай киши қариса  
Эзма, насиҳатгүй бўлиб қоларкан.  
Не қилай, ахир мен улуг наслимини

Комрон, бахтиёр кўрмоқ истайман.  
XXI аср ўзбеки, менинг назаримда, ўз соҳасини жаҳон андозалари савиясида чуқур ва тула биландиган билимдон, маънавий дунёси бой, ватанпарвар, меҳнатқаш, йиғинли, юксак ахлоқ соҳиб, диди ўткир бўлиши керак. Жисмоний жиҳатдан ҳам уларни мукамал кўргим келади. Кўп тил бўлиши зарурлигини юқорида айтиб ўтдим. Чақонлик ҳам миллий белгиларимиз қаторида мустаҳкам туриши керак. Бир оғиз сўз билан айтганда, келажакда ўзбекистон бор яхши фазилатлари - меҳмондўстлик, болахолик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик қабиладан биридан бири қаторда ички дунёси ҳам ташиқ дунёси ҳам гузал бўлишини орзу қиламан.

Бизнинг орзуларимиз хомжаёл эмас. Мен эллиқ йилдан бери Тошкентда яшайман. Аммо бугунгидек қурилиш суръатини ҳеч қачон кўрган эмасман. Зилзиладан кейин Тошкент тиланганда шунақа суръат бўлгандай эди. Ҳозир суръат ҳам, журъат ҳам, сифат ҳам, қўдрат ҳам, техник имконият ҳам бой бўлгани учун пойтахт шаҳримиз қўзиқиб олдида янгиликлар, яшармоқда, обод бўлмоқда. Шунинг учун ҳам орзуларимиз амалга ошишига шубҳам йўқ.

Хуллас, улуг айём - Мустақилликимизнинг етти йиллик байрами арафасида бўлгани ўзбекистон замонавий, чиройли дийёр, унинг соҳиблари эса ҳар томонлама мукамал, бахтиёр авлод бўлсин, деб ният қиламан.

«Ишонч» муҳбири  
Муҳаббат ҲАМЗОЕВА  
сўзлашди.

## Истиқлол — истиқболим ТЕРМУЛИБ ТҲЙМАЙСИЗ — ЎЗБЕКИСТОНГА!

Маълумки, барча даврда ва ҳар қандай мамлакатда фақат барқарорлик бўлгани мамлакат гуллаб яшанган, халқи фаровонликка эришган. ҳаммамиз гувоҳимиз собиқ қизил империя барҳам топиб, мустақилликка эришган айрим қўшни халқлар ўзининг давлатчилик тузумини ўрнатолмай, барқарорлик гирдобига ботган вазиятда юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдек ўта муҳим вазифанинг удрасидан чиқилди. Кўпгина халқлар истиқлолдан кейин қайси йўлдан боришни ҳали белгилаб ололмаётган бир пайтда мамлакатимизда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий йўл — аниқ танланди. Бу — халқимиз асрлар бўйи орзу қилган истиқлол йўли эди. Етти йиллиқда, Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан оғинамай бораётти.

Еш мустақил давлатнинг оёқка туриб олиши ҳеч қачон осон кечмаган. Тарихдан бунга мисоллар кўп. Маънавий бойликлари таланган, узок йиллар кадр-қиммати топилган халқ мустақилликка эришгандан кейин ҳам бирданга узини мустақиллик асоратларидан халос қилиши қийин кечган.

Утмишдан маълумки, жамиятда йирик ўзгаришлар ва янгиликлар даврида мазлум халқ қаддини тиклайдиган, узлигини қайтариб берадиган, эл-улусни бирлаштирадиган улуг ғоялар майдонга чиқади. Зеро бу тарихий қонуниятдир. Улуг ғояларни халқнинг улуг фарзандлари майдонга олиб чиқиши ҳам аён ҳақиқат. Президентимизнинг ҳаётини билан ўзбек халқининг турмуш-тарзи хурлик, ташаббускорлик, табиркорлик негизидан қайтадан тикланаётгани, жаҳон саҳнасида Ўзбекистон деган мустақил давлатнинг гавдаланиши, икки дарё оралиғидаги бу юртнинг қадимий қудрати қайтиб келатганини аналатади.

Албатта, маънавий юксалиш иқтисодий тараққий билан уйғун бўлмоғи лозим. Ана шундагина эришадиган муваффақиятларимиз бекам-куст, илдири мустаҳкам бўлади, тараққийнинг янги босқичига кўтарилиши эса осон кечди.

Шу маънода фахр билан таъкидлаш керакки, бу йўлда асрларга таътигулик улкан ўзгаришларни бошдан кечираётимиз. Мустақилликнинг илк давларида Ўзбекистон қайси йўлдан боради, иқтисодий ривожланишида қайси йўлни танлайди, мамлакатда барқарорлик сақланиб қолгани, деган саволлар нафақат халқимизни, балки узок-яқиндаги дусту душманларимизни ҳам қизиқтиргани рост. Ана шундай масъулиятли даврда еш давлатимизнинг иқтисодий, сиёсий ислохотлар стратегияси аниқ белгилаб олинди. Ўзбекистонни дунё иқтисодий интеграциялашув жарағинга қўишиш, келажакда халқимиз фаровонлигини таъминлашдек улуг ва савобли ишга амалга оширишда беш таъминий асосланган ривожланиш йўли ишлаб чиқилди.

Етти йилнинг энг муҳим хулосаси шундаки, белгиланган дастурлар, қўланган мақсадлар бугун ҳаётимиз ҳақиқатига айланмоқда. Аввал бошдан оқ ташқи иқтисодий сибаситимизда ҳам узига хос йўл тутилди. МДХ мамлакатларида хорижий инвестициялар асосан марказларга йўналтирилди, оқибатда марказий шаҳарлар билан минтақалар уртасида кескин тафовут пайдо бўлди. Ватанимизда эса ҳар бир вилоят, шаҳар еки худуднинг демографик узига хослиги, коммуникациялар тармоқини ривожлантириш истиқболлари, иқтисодий салоҳияти чуқур ўрганилиб, таҳлил қилингандан сунгги хорижий инвестициялар жойлаштирилди. Бу барча худудларни тенг ривожлантириш, пировардида эса ягона иқтисодий организмни вужудга келтириш имконини берди.

Бугунги кунда бу йўлдан оғинамай бораётганимиз ўз меваларини бермоқда. Эришган иқтисодий ютуқларимизни ҳозир жаҳон ҳамжамияти тан олмоқда. Дунё иқтисодчилари тоталитар тузумдан бозор иқтисодига ўтиш даври учун ишлаб чиқилган, реал ҳаёт талабларига мос «Ўзбек модели» ҳақида тез-тез гапирадиган бўлиб қолди.

Қиска давр ичида мустақил Ўзбекистон давлатининг шўхрати, ҳам

иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки дунё мамлакатлари орасида кун сайин тоборо кенг қанот эсмоқда. Бунга мамлакатимиз халқ хужалигининг асосий тармоқлари саналган, давлатимиз қудратига куч бағишлаб турган муҳим соҳалар, хусусан, нефть-газ, энергетика, автомобилсозлик саноати, галлачилик ва бошқа муҳим соҳаларда мустақилликка эришилгани мисолида эслашнинг ўзи kifоя.

Асака шаҳридаги автомобил заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши, Қўқуд-малоқ ва Мингбулоқ конларини ишга солиш, Шуртангаз мажмуи ҳамда Хужабоддаги улкан газ сақлаш омборини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш, мамлакатда чет эллик шериклар иштирокида ушлаб туқимачилик ва ип йиғирув фабрикаларини фойдаланишга топшириш, Андижон, Қўқон ва Янгийўлда спирт ишлаб чиқарувчи корхоналар, Хоразм шаккар заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Қўнғирот сода заводи қурилиши, янги темир йўл ва автомобил йўллари, замонавий телекоммуникация объектиларини барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, шўнундек, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатга қарашли ушлаб янги корхоналарнинг барпо бўлиши — буларнинг барчаси мустақиллик муъжизаларидир!

Бу ютуқларга МДХнинг бошқа давлатларида миллий иқтисод таянчи ҳисобланган заводлар, фабрикалар, нефть ва газ саноат тўхтаб қолган еки улларда ишлаб чиқариш қўламини қисқариб бораётган бир шароитда эришилгани ҳам танлаган йўлимизнинг нақадар турғи эканлигини яна бир қарра исботлайди. Биргина мисол: Андижон туманининг Қўйганер қишлоғида Туркиянинг «Эл-сант» компанияси билан биргаликда «Нумон», «Тойота», «Некки» русумли юк машиналари ва ҳар хил пармалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Тик-сант» қўшма корхонаси, бозорларимиз мул-қўлнинг таъминлашга хизмат қилаётган «МАСК» ўзбек-британ қўшма корхонасининг ишга туширилиши ҳам вилоят қиёфасини, одамлар турмуш тарзи ва тафаккурини ўзгартириб юборди.

Бугунги иқтисодий муваффақиятларимиз аввало халқ фаровонлигини оширишга, ҳар бир оиланинг иқтисодий ва иқтисодий мафаатларига қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мустақиллик йилларида иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётимизда татбиқ этилган ислохотлар бугун ўз самарасини бераётди. Буларнинг ҳаммаси эртанги Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққий учун узига хос пойдевор бўлиб хизмат қишиши турган гап. Тараққийнинг юксак бўлган мамлакатимизни эртага дунё мамлакатлари орасида иқтисодиети бақувват, ҳар томонлама ривожланган давлатга айланиши учун катта имконият яратди.

Бинобарин, бугун Ўзбекистонда фидойи зиеллар, ешлардан иборат улкан интеллектуал бойлигимиз ҳам борки, уларнинг салоҳияти улканлиги туллаб-яшнашини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Мустақиллик аввало, онгли ва юксак тафаккурли инсоннинг фикри ва амалий ҳаракати билан бўлиқдир. Истиқлол билимдон ва фидойи фуқароларга таянади. Илгарилари табиати бой мамлакатлар энг бадалат ҳисобланса, эндиликда одамлар зуқко ва гайратли мамлакатлар бадалат саналади.

Хукуматимиз томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши миллий давлатчилигимиз тараққийда буюк ўзгаришларга асос солди. Иқтидорли ешларга алоҳида эътиборнинг қўлашгани ҳам эртанги Ўзбекистон давлатининг иқтисодий-иқтисодий стратегияси оқиллик билан белгилашадигандалат.

Мустақиллик — буюк неъмат. Унинг қадри йиллар ўтган сари ортиб бораверади. Бундай пайтларда орта ҳам бир қараб олин, босиб ўтган йўлни, амалга оширилган ишларни яна бир бора таҳлил назаридан ўтказиш истиқбол режаларини янада ойдинлайтиради.

Анжион ЖУРАЕВ,



Эртага биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессияси ўз ишини бошлайди

## СИЙРАТУ СУВРАТИМ—МУСТАҚИЛЛИК

Рустамбек ТУРДИЕВ,  
Ховос тумани ҳоқими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати



Рустамбек Абдуназарович. Сиз билан биз шу мустақилликни кўриш, лаззатини таътиш бахтига муяссар бўлдик. Шу муқаддас кунни кўроллик рихлат топганлар табиийки, бу дунёдан армонда кетдилар.

Мана шу қулфатни, қуллик-қарамликда утиб кетган ота-боболаримизнинг қисматини эсласанг, кўзлардан ёшлар оқади... айниқса 1917 йил тўнтаридан кейинги қулқ-қулқ давридаги берилган қурбонларни ўйлаганда, эсингдан оғасан, киши. 130 йил... қуллик-қарамликда кечган даврга озгина назар ташласан, шу давр бум-бўш, биронта улғушор, ёзувчи, мутафаккир кўзга ташланмайд.

Мустақиллик... у туйлаи мен илк бор эркин сайлов натижасида иккинчи равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатликка сайландим. Еш бўлишимга қарамай Ховос тумани ҳоқимлигини менга ишонди. Мустақилликнинг шарофати мен учун жуда улғу.

Сиз Ховос туманига ҳоқим бўлганингиздан кейин туман пахта режасини ҳам, галла режасини ҳам бажара бошладим. Бунга сабаб нима?

Бу масалага тўхталишдан олдин яна мустақиллик берган имкон ҳақида гапиришга тўғри келади. Мустақиллик. Илгаригидай бошқалар учун меҳнат қилмаймиз. Ўз-ўзимизни зурлаш, мажбурлаш йўқ. Ўз манфаатимиз учун, ота-онамиз, ака-укаларимиз учун, ола-сингиларимиз учун, бола-чакамиз учун ишлаймиз. Ор-номусимиз, аймон-эътиқодимиз учун, ватанимизнинг, миллатимизнинг тинчлиги, оқошталлиги учун курашамиз. Демак илгаригидай «умум» учун ишлаймиз. Бунга аниқлаш, ҳис этиш ҳар биримизнинг елкамизга масъулият юклайди. Режаларни уринлаштириш билан бирга Ватанимизнинг ҳарбий кучини, тараққиётини, маданиятини кўтарамиз. Ерларимизни қиндилардан тўзалаш, қўқаламзорларга айлантириш ҳам муқаддас бурчимизга кирди. Ободончилик ҳар бир инсон боласи учун ҳам қарз, ҳам фарз. Энди режаларни бажариш масаласига келсак, бу масалага жиддийроқ тўхталишга тўғри келади. Илгари сурўнкасига режалар бажарилмаган. Иш фаолиятини

бошлаган кунимданок туман ерлари шароитини, одамлар муносабатини, раҳбарларнинг мақсад ва режаларини, феъл-атворини жиддий ўрганишга, ўзимни ҳам жиддий тафтиш қилишга тўғри келди. Мустақилликдан кейин, яъни бозор иқтисодига ўта бошлаганимиздан кейин бошланган ислохотлар нотиғри йўналишда олиб боришган. Фермер-деҳқон хўжалиқлари қонунга мувофиқ тўғри келмайдиган равишда, яъни қим фермер бўлишни ҳавас қилса, ёки жамоа хўжалиқлари раҳбарига тегишли одамлар бўлса, розилик берилмаган. Бирор одам бўлгуси фермер чиндан ҳам фермерликка ярадимми, келажда яхши самара берадимми, деган мулоҳазага бормаган. Натижада энди ишлар улғу-жўлда қолиб кетди. Худди шундай хўсуйлаштириш жараёни ҳам нотиғри йўлга қўйилган. Пала-партиш иш тўтилиб, давлат тасарруфига ҳам техника дўч келган одамга сотиб юборилган. Натижада жамоа хўжалиқлари техникасиз қолиб, ишлар орқага суриляётди. Янги техника сотиб олишга эса кучи етмайди. Бозор иқтисодига талаблардан келиб чиқиб, хўжалиқларнинг молия ишларини тўғри талқин қилмагани сабабли халқ ўз вақтида ҳақ олишдан маҳрум бўлган. Асосийси, ишга яроқли, иш берадиган иқтидорли одамларни танлаб, ишга тайинлаб, йўналиш бериш тўғрисида ҳеч қим бош қотирмаган. Фирма доираси кенг, мулоҳазали раҳбарлар лавозимига тайинланмаган. Қандайдир манфаатлар эвазига муллоқ иқтидорсиз кишилар раҳбар бўлиб қолганлар.

Қандай манфаатларни назарда тутаямиз? - Ҳозир бир нарсани аниқ айтиш қийин. Ҳар ҳолда маҳаллийчилик, қондошлик, озгина қорин тўйдириш манфаатларини сезиш мумкин... Масалан, жисмоний тарбия қўмитачиси ҳам бир жамоага раҳбар қилиб қўйилган... Урта маълумотли бўлган бир киши ҳам хўжалик раҳбарлигига тайинланган. Бунга нима дейиш мумкин? Жуда қисқа вақтда тилга олинган раҳбарлар жамоа хўжалиқларини ўтказиб қўйишган. Режаларни уринлаштириш, тараққиётга эришиш ҳақида бош ҳам қотиришмаган. Бундай раҳбарлар фаолиятини жиддий ўрганиб чиқганимиздан кейин уларнинг ўрнига пахта ва галла илимдан

ривожланишга эришолмайди. Ҳазрат соҳибқирон, Улғубек, Абу Али ибн Сино, Беруний, Фарғоний, Фаробий, Яссавий ва ҳазрат Алишер Навоий юртида, яъни улар бошлаб берган улғу тараққиёт ва ривожланиш бўлган юрда маънавиятга эътибор бермаслик асло мумкин эмас. Уша боболаримиз яшаган кезлар ҳам Туркистон мустақил бўлган эди. Улар мана шу мустақилликдагина қашфиётлар қилишди. Чингизхон даврини эсланг. Муллоқ тараққиёт йўқ. Кейинги 130 йиллик даврга ҳам шундай... Мана энди Аллохнинг иродаси билан улғу зотлар тўғрилади, улғу қашфиётлар, яъни дунёвий қашфиётлар қиламиз. Баъзи бир уртоқлар энди қурилиш қийин деб қорини олади. Бу беқор гап. Истаган одам қурилиш қилади. 1997 йили 4 та қишлоқ врачлик пункти қурилган бўлса, 1998 йили 2 врачлик пункти ва 2 та мактаб биноси қурилиши битди. Бу йил катта уйингоҳ ҳам ишга тушиш арафасида. Германия билан ҳамкорликда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона қурилиб ишга туширилди. Шунингдек, никоҳ маросимлари ўтказиш биноси ҳам фаолият бошлади. 3 минг 98 қария пенсияларини, 1741 ногирон нафақаларини ўз вақтида олишяпти. Кам таъминланган оилаларга талаб қилингандай ердам курсатиляётди. Буларнинг ҳаммаси ҳам айтганимдек мустақиллик шарофатидир.


Бу айтганларингиз раҳбарнинг иш фаолиятини. Инсонийлик фаолияти ҳам бўлиши керак.

Табиий. Ишбилармон, меҳнатқаш бўлиш билан бирга раҳмидил, олийжаноб, оққунғил бўлиш ҳам ҳам зарур ва шарт. Чунки бир Ватанинг, бир миллатнинг фарзандлари доим ҳам бир-бирларига меҳрибон бўлиши керак.

Инсон бу дунёни гўзаллаштиради. Узига шараф келтиради. Шу билан ерни, бутун хайвоният оламига қўлбатлардан асраб қолиш бахтига ҳам муяссар. Ҳозирги раҳбарнинг мана шундай хусусиятлари бўлишини доим истаб қоламан ва ўзим мана шунга доим эътибор бераман.

Сўзбатдош: Усмон АЛИ.

# ART PLAST



## СУВ ТАЪМИНОТИ, ИСТИТИШ ВА СОВУТИШ ТАРМОҒИ УЧУН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ!

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ:

- коррозияга учрамайди;
- чўкимталар ҳосил қилмайди;
- хиланмайди;
- гигиена жиҳатдан хавфсиз;
- иқтисодий самарадор;
- осон ўрнатилади;
- жаҳон стандартларига жавоб беради.

ART PLAST Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан қутлаб, уларга бахт-саодат, хонадонларига тинчлик -хотиржамлик тилайди.

Тошкент шаҳри, Фарход бозори ярмаркаси 36-сонли дўкон.

Тел.: 76-60-85, 75-66-42

## АЗИЗ ЮРТИДОШЛАР! «ЧИНОБОД»

санаторийси жамоаси республикамиз Мустақиллигининг 7 йиллик байрами билан барчангизни чин дилдан муборакбод этади.

Хур Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросига узоқ умр, соғлиқ, яхши кайфият тилайдилар.

ИСТИҚБОЛЛИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА СИЗЛАРГА ЗАФАРЛАР ДОИМО ҲАМРОҲ БЎЛСИН!

1998 йил 9, 22 сентябрь кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар марказида навбатдаги

## КИМОШДИ

савдолари ўтказилади.

Савдопарда:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси


Тиббиёт-сапатария бўлимига қарашли:

1. ПАЗ-3201 русумли, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 33-95 ТНС бўлган автомашина. Бошланғич баҳоси 302,0 минг сўм.
2. РАФ-22031 русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 37-13 ТНН бўлган автомашина. Бошланғич баҳоси 154,0 минг сўм.

Манзилимиз:


Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8 уй.

Телефонлар: 136-15-28, 136-28-75.



Ўзбекистон  
машиналари.

Р. ШАГАЕВ  
(ЎЗА) сурат-лавҳаси




## «ОТЕЛ ЧОРСУ» БАЙРАМ ХИЗМАТИДА

Истиқдолнинг 7 йиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Пойтахтимизнинг ҳар бир гўшасида, одамлар чехрасида, қалбида байрам шуқуҳи.

Бугун, хур республикамизнинг бош кенти - Тошкентга барча вилоятлардан, хориждан, худдас жаҳоннинг барча минтақаларидан меҳмонлар ташириб буюриб, мустақил юртимизнинг қутлуғ байрамида иштирок этишяпти.

Шаҳримиз кўчалари кўчалари байрам арафасида янада гажум. Хўш, меҳмонларни кўнгилдагидек қутиб олиш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, умуман Истиқдол байрамга ҳозирлик ишлари талабга жавоб берадимми? Ушбу саволга



«ОТЕЛ ЧОРСУ» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонасининг бош директори **МАХМУДЖОН МИРЗАРАҲИМОВ** шундай жавоб берди: - «Отел Чорсу» - сайёҳлик меҳмонхона мажмуидир. Эски шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган ушбу замонавий 23 қаватли бинода бир ва икки ўрин-

ли люкс ва уч хонали қулай ва оромбахш қонақлар меҳмонлар ихтиёрида.

Истиқдол байрами арафасида фойдаланган, керакли қаватлардаги хоналар сифатли таъмирдан чиқарилди. Қурилиш ташкилотлари шартнома асосида меҳмонхонанинг ташқи томонидаги 2 қаватли жойни таъмирлашди.

Ҳозирданок барча вилоятлардан, Қорақалпоғистондан байрамга қатнашувчи санъаткорлар гуруҳлари, меҳмонлар, саёҳатчилар меҳмонхонамизга жойлашди.

Бундан 16 йил олдин «Спутник» Халқаро ёшлар саёҳат шубҳасида иш бошлаган эдим. Шундан буён хизмат тақозасига қўра қўлаб хорижий мамлакатлар-

да бўлиб меҳмонхоналар иши, тажрибаси билан ҳам яқиндан танишим. Ҳозир бу тажрибалар асқотаяпти.

Меҳмонхонамиздаги хоналарда барча қулайликлар мавжуд. Телевизор, радио, телефон ўрнатилган. Хуллас, ҳар бир меҳмон кўнгилдагидек дам олиб, ишчи-хизматчиларимизнинг хизматидан хурсанд бўлсалар бошимиз осмонга етади.

«Отел Чорсу» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонаси барчага байрам кайфияти тилайди.

Сўзбатдош: Абдулла АЙИЗОВ, «Ишонач» муҳбири.

Юнусобод туманидаги «Хуснобод» маҳалласи шаҳмини йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ МУБОРАК!



## Азиз юрtdошлар!

Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари  
Федерацияси қошидаги

*Республика санаторий ва курортлар  
бошқармаси маъмурияти*

**Сизни ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ саналган  
Мустақиллик куни байрами билан чин юракдан  
муборакбод этади.**

*Сизга узок умр, оилавий бахт, саломатлик тилайди.*

*Сизларнинг саломатлигини пиклаш, маъмули дам  
олишини узун йилнинг барга фаслларида бошқарма  
ходимлари ва республикамизнинг бахаво жойларидаги  
широ масканларимиз ходимлари ҳозир ҳозир  
Бахтиёр ва саломат бўлинг! Сизга омад ёр бўлсин!*



Бош  
муҳаррир  
вазифасини  
бажарувчи:

Чори  
ЛАТИПОВ



Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36  
Бош муҳаррир уринбосари-56-52-89  
Масъул котиб - 56-52-78  
БҮЛИМЛАР:  
Қасаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.  
Ахборот ва спорт-56-87-63. Машинани ва  
машинани-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва музбирлар  
билан ишлаш-56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.  
ВИДИОТ МУХБИРЛАРИ:  
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10.  
Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43.  
Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.



Техни 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.  
Сотувида эркин нархда.  
Маъмули: 700165,  
Тошкент шаҳри, «Бухоро»  
(собиқ «Прада Востока») кучаси, 24-уй.  
Нашр курсаткичи: 133; 134  
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат  
Мабуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома  
берилган. ТВМ компьютерда терилди ва  
сифдланган. Офсет усулида босилди. Ўқимчи  
А.2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ»  
нашриёт-матбаа  
концерни  
босмахонаси.  
Қорхона манзили:  
«Буюк Турон»  
кучаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди 21.00